

**“Худудгазтаъминот” АЖ ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан
ўтказилган тадбирлар иш режаси бажарилиши тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Ўтказиладиган тадбирлар номи	Ижроси тўғрисида маълумот
1.	<p>Ҳукумат томонидан табиий ва суюлтирилган газ таъминоти юзасидан қабул қилинаётган ҳужжатлар, қарорлар шунингдек, тармоқ ва худудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва фикрларининг инobatга олинганлигини чуқур таҳлил қилиш ҳамда жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>Газ таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан қабул қилинаётган норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-682-сон Қонуни талаблари доирасида, “regulation.gov.uz” портали орқали жамоатчилик муҳокамасига қўйиб борилди.</p> <p>Муҳокама яқунларига кўра, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида, лойиҳа қайта ишланиб, жамоатчилик манфаатлари устуворлиги таъминланди.</p>
2.	<p>Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан “Худудгазтаъминот” АЖ фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш.</p>	<p>Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан ижтимоий сўров ва таҳлиллар ўтказилмоқда.</p> <p>Хусусан, истеъмомчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ҳамда ошириш мақсадида, аноним ўрганишлар ўтказилиб, аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилган долзарб вазифалар бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - истеъмомчиларга газ таъминоти бўйича хизматлардан фойдаланиш, барча саволлари ва мурожаатларини юбориши учун мобил илова яратиш ишларни яқунлаш ва ишга тушуриш ҳамда махсус телеграм каналларинидан самарали фойдаланиш; - Вазиятлар маркази томонидан назоратини юритиш ва бартараф этилганлиги юзасидан аҳолини натижаси бўйича “feed back” хабардор қилиш; - газ тармоқлари бўйича “ГИС” тизимини Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилиш орқали мурожаатчи томонидан ариза бериш вақтида Порталда газ тармоғига уланиш имконияти ва бунинг учун ресурслар етарли ёки йўқлиги ҳақида автоматик равишда жавоб олиш тизимини яратиш; - газ тармоқларига уланиш бўйича техник шартларни беришда, амалдаги тарифлар бўйича тижорат таклифлар (лойиҳалаштириш қийматини кўрсатган ҳолда)ни бериш ва алоқа учун лойиҳалаштириш бўлимлари телефон рақамларини жойлаштириш (техник шартнинг пастки қисмида);

Т/р	Ўтказиладиган тадбирлар номи	Ижроси тўғрисида маълумот
		<ul style="list-style-type: none"> - шахсий кабинетда логин ва парол бириктирилган телефон рақам ёки электрон почта орқали тиклаш имкониятини яратиш; - маҳалла раислари билан келишилган ҳолда кун давомида банд бўлган истеъмолчиларнинг рўйхатини шакллантириш ва олдиндан уларни огоҳлантириб бориш; - маҳаллий ҳокимият органларига (секторлар кесимида) йўл инфраструктурасини яратишда ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат хатларини юбориш; - истеъмолчилар томонидан коррупция ҳолатлари бўйича хабарларни марказий аппаратга юбориш учун “Телеграм бот” ишлаб чиқиш; - 1104 колл-марказ ва 104 операторлари фаолиятини қайта назорат қилиш учун истеъмолчиларда ходимлар фаолиятини баҳолаш имконини яратиш (сухбат якуни бўйича 1 дан 5 балгача баҳолаш) ва бошқалар.
3.	<p>“Худудгазтаъминот” АЖ ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида тегишли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жумладан натижадорлигини таҳлил қилиш ҳамда коррупцияга қарши муросасиз курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>Тизимда коррупцияга қарши курашиш ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳамда соҳада шаффофликни таъминлаш мақсадида, комплаенс назорат бўлинмалари ташкил этилиб, яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда барвақт аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича тасдиқланган Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати ва йўл хариталари доирасида ишлар юқори даражада ташкил этилди. Хусусан, ўтган давр мобайнида:</p> <ul style="list-style-type: none"> - аниқланаётган қоидабузарликларни олдини олиш мақсадида, тизимдаги вазиятни яхшилаш ва тизим ходимлари орасида коррупция ҳолатларига муросасиз муносабатини шакллантириш мақсадида, умумпрофилактик ҳамда яқка тартибдаги профилактик тадбирлар ўтказилди. Бундан ташқари, хизмат текширувлари ўтказилиши натижасида коррупция ҳолатларининг олди олинди; - оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш ишлари тизимли йўлга қўйилиб, 2023 йилда 273 та тарғибот материаллари тайёрланиб ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди, 35 та телекўрсатув ва видеоматериллар тайёрланиб ОАВда намоиш этилди ҳамда 39 та радио эштирувлар ташкиллаштирилди. - суюлтирилган газ таъминотида янги тизим жорий этилиши ҳисобига газни тежашга, мурожаатларни ўтган йилларга нисбатан 35,8 % қисқартиришга ва

Т/р	Ўтказиладиган тадбирлар номи	Ижроси тўғрисида маълумот
		<p>суюлтирилган газ талон-тарож қилиш олди олишга эришилди.</p> <p>- кенг жамоатчилик фикри ва таклифини инобатга олиб, тизимни “коррупциядан холи соҳа”га айлантириш мақсадида, жорий этилган “Рейтинг баҳолаш” тизимини давом эттириш маъсадга мувофиқлиги билдирилди.</p>
4.	<p>Истеъмолчиларга суюлтирилган газ етказиб бериш тизими жумладан, суюлтирилган газ тўлдириш иншоотлари ва автотранспортларининг мавжуд қувватларидан самарали фойдаланиш, иш жараёнларида салбий ҳолатларнинг келиб чиқиш ҳолатларини олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда яратилган шароитларни таҳлил қилиш.</p>	<p>2023 йилда суюлтирилган газни етказиш муддатлари ва сарф харажатларини қисқартириш учун 12 та газ тўлдириш иншооти аутсорсинг асосида жалб қилиниб, сақлаш қуввати 1,9 минг тоннага, ойлик тўлдириш қуввати 8,8 минг тоннага оширилди ҳамда истеъмолчиларга қўшимча 63,4 минг дона (181%) маиший газ баллонлар етказиб берилди.</p> <p>Газ тўлдириш иншоотларига 11 та дизел генераторлари ўрнатилди ҳамда “Учкўприк” ва “Самарқанд” газ тўлдириш станциялари технологик қурилмалари модернизация қилинди.</p>
5.	<p>Худудий газ таъминоти филиаллари ва туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимларида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар таҳлилига кўра, туман (шаҳар)ларни “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратиш ҳамда “қизил” ҳудудлар билан алоҳида ишлаш тизимини жорий этилиши ҳолатини ўрганиш.</p>	<p>Жамиятнинг 2022 йил 12 августдаги 57-сон йиғилиш баёни ҳамда 2022 йил 20 июлдаги 88/88-буйруқ қарори асосида худудий газ таъминоти филиаллари ва туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимларида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили ҳамда туман (шаҳар)ларни “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратиш ҳамда “қизил” ҳудудлар билан алоҳида ишлаш тизими жорий этилиб, мазкур буйруқ асосида туман (шаҳар)ларни “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратиш тартиби тасдиқланган.</p> <p>Жумладан, 2023 йил якунлари бўйича келиб тушган мурожаатлар таҳлилига кўра республиканинг 131 та туман (шаҳар)лари “яшил” ҳудудга, 59 таси “сарик” ҳудудга, 13 таси “қизил” ҳудудларга ажратилган.</p> <p>Таҳлил натижаларига кўра, тоифалар бўйича куйидаги кўрсатмалар берилди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - “яшил” ҳудуд деб баҳоланган туман (шаҳар)ларнинг мурожаатлар билан ишлашда “етарли даражада” бўлган самарадорлик билан фаолият кўрсатиш борасидаги иш тажрибасини оммалаштириш; - “сарик” ҳудуд деб баҳоланган туман (шаҳар)ларнинг мурожаатлар билан ишлашда самарадорлик билан фаолият кўрсатиш борасидаги фаолиятини яхшилаш; - “қизил” ҳудуд деб баҳоланган туман (шаҳар)ларга кўмаклашиш,

Т/р	Ўтказиладиган тадбирлар номи	Ижроси тўғрисида маълумот
		<p>мурожаатлар билан ишлашда алоҳида тизимни йўлга қўйиш, йўл қўйилган барча камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатиш бўйича топшириқлар берилди.</p>
6.	<p>“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятининг ҳудудий газ таъминоти филиаллари ва уларнинг туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимларида фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ижро этилиши аҳволини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишда кўмаклашиш.</p>	<p>Жамият ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан 2023 йилнинг 5-15 июнь кунлари “Худудгаз Пойтахт” газ таъминоти филиали ва унинг туман (шаҳар) газ бўлимларида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ижро этилиши аҳволи ўрганилиб, уларга мавжуд камчиликларни ва муаммоларни бартараф этиш бўйича кўмаклашиш ишлари амалга оширилди.</p> <p>Ўрганиш натижалари бўйича, “Худудгаз Пойтахт” газ таъминоти филиали мутасаддиларига:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мурожаатларни кўриб чиқишга масъул бўлган раҳбар ва мутахассисларнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган қоида ва талаблардан хабардорликларини ошириш; - мурожаатлар билан ишлашда Жамиятнинг 2022 йил 10 мартдаги 55-сон буйруғи билан тасдиқланган Жамият ҳамда унинг тасарруфидаги ҳудудий газ таъминоти филиаллари ва туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Низом” талабларига риоя этиш; <p>йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурлиги тавсия этилди.</p> <p>Шунинг билан бирга, Жамоатчилик кенгаши томонидан тизим ташкилотларида табиий ва суюлтирилган газ истеъмолчилари бўлган фуқаролар, юридик шахсларнинг соҳага оид мурожаатлари билан ишлашнинг аҳволи ўрганилиб, ҳудудларда соҳага оид муаммо ва ечимини кутаётган масалаларнинг тезкорлик билан бартараф этилишига ҳамда куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш тўғрисида барча ҳудудий газ таъминоти филиаллари раҳбарларига жамиятнинг 2023 йил 17 августдаги 18-19/83-сонли топшириғи юборилди.</p>

Т/р	Ўтказиладиган тадбирлар номи	Ижроси тўғрисида маълумот
7.	<p>Худудий газ таъминоти филиаллари, уларнинг туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилиши натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича бажарилаётган ишларнинг натижадорлигини таҳлил қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>Худудий газ таъминоти филиаллари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.</p> <p>Жумладан, худудий газ таъминоти филиаллари томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича 2023 йилда оммавий ахборот воситалари (ОАВ)да жами 4 669 та, жумладан телевидение ва радиода 1 049 та, газета ва журналларда 523 та, электрон ОАВда 1 566 та, идора веб-сайтида 1 531 та чиқишлар ташкил этилган.</p>
8.	<p>“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон ва 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармонлари доирасида фаолият очиқлигини баҳолаш ҳамда заруриятга кўра, тавсиялар ишлаб чиқиш.</p>	<p>“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Hududgazta'minot” АЖ томонидан ижро этилиши доимий равишда таҳлил қилиниб, алоҳида назоратг олинган.</p> <p>Бугунги кунда “Худудгазтаъминот” АЖ тизимида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, мазкур Қонун ҳамда Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон ва 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармонларига мувофиқ амалга оширилиб келинмоқда.</p> <p>Хусусан, 2023 йилда “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, жумладан, газ таъминотини рақамлаштириш ва модернизация қилиш самарадорлиги, истеъмолчиларга яратилаётган шароитлар юзасидан 6 243 та материал оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинди.</p> <p>Республикадаги оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналист ва блогерлар иштирокида 62 та матбуот анжуманлари, брифинг ва пресс-турлар ташкил этилди ҳамда келиб тушган 233 та расмий сўровларга муносабат билдирилди.</p> <p>Бундан ташқари, норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ, Жамият расмий hududgaz.uz веб-сайтида фаолиятга доир 1 722 та материаллар эълон қилинди.</p>

Т/р	Ўтказиладиган тадбирлар номи	Ижроси тўғрисида маълумот
9.	<p>Истеъмолчиларни табиий ва суюлтирилган газдан тўғри ва хавфсиз фойдаланишларини ташкиллаштириш учун амалга оширилаётган тарғибот ва ташвиқот тадбирлари самарадорлигини кўриб чиқиш, аҳоли ўртасида сўровномалар олиб борилишини ўрганиш ҳамда янада жадаллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>Газ билан боғлиқ бахтсиз ходисаларни олдини олиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тушунтириш ва кенг тарғибот ишлари ташкил этилган.</p> <p>Худудларда 878 та ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, ўтказилган тадбирларда 2,5 млн аҳоли хонадонлари (1,95 млн ховли ва 542,1 минг кўп қаватли) ва 11,5 мингдан ортиқ ижтимоий соҳа объектларида ўрганишлар ўтказилди.</p> <p>Ижтимоий тармоқларда 4 674 та, аҳоли гавжум жойларда ва радио эшиттиришлар орқали эса 1 956 та чиқишлар қилиниб, газдан тўғри фойдаланиш бўйича тушунтиришлар берилди. Аҳолига 1 340,5 мингдан ортиқ эслатма-буклетлар тарқатилди.</p> <p>Ижтимоий соҳа объектлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида иситиш мавсуми даврида газ билан боғлиқ бахтсиз ходисаларни олдини олиш бўйича 7,9 мингдан ортиқ семинар ва суҳбатлар ташкил этилди ҳамда аҳоли гавжун жойларда 302 та баннерлар ўрнатилди.</p> <p>Худудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳалла фаоллари, фахрийлар, таниқли маданият ва санъат арбоблари ҳамда журналист ва блогерлар иштирокида 891 та видеоролик ҳамда 346 та мақолалар оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали ёритилмоқда.</p> <p>Жойлардаги 14 та ҳудудий газ таъминоти филиаллари тасарруфидаги барча 203 та туман (шаҳар)газ бўлимларининг хар бирида алоҳида “Хавфсиз Газ” телеграмм гуруҳлари ташкил этилди.</p> <p>Телеграмм гуруҳлар орқали газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик қандай мудҳиш, кўнгилсиз фожиаларга олиб келиши тўғрисида реал воқеалар, роликлар, фотосуратлар, тавсия ва кўрсатмалар, эълонлар, огоҳлантиришлар кенг ёритилиб, фуқароларга эҳтиёткор, зийрак, масъулиятли бўлиш кераклиги тушунтирилмоқда.</p> <p>Тарғибот тадбирлари самарадорлигини ошириш учун гуруҳларга маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва фаоллари жалб этилган.</p>